



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ИНТЕГРАЛЛАШГАН КЎНИКМАЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ УСЛУБИ

*Носирова Раъно Азизовна,
СамДЧТИ, катта ўқитувчи*

Калим сўзлар: *матн, матн ва тилни интеграллашган ҳолда ўргатиш (CLIL) услуги, компетентлик, мутахассислик фанлар.*

Ҳозирги пайтда республикамиз олий таълим тизимида асосий фойдаланиладиган ҳужжатлар Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режа саналади. Албатта, таълим мақсадининг тузилмаси замонавий тилшуноснинг профессионал фаолиятига асосланган компетенциялари, яъни қобилият, истеъдодлар орқали амалга оширилади. Ўқув режага киритилган фанларни ўрганиш мақсадида умуммаданий, умумпрофессионал ва ихтисосликка йўналтирилган истеъдодларнигина шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда олий таълим соҳасида фаолият олиб борадиган профессор-ўқитувчилар олдида шундай вазифа турадики, унда талабаларга чет тилини профессионал даражада етказиб бериш лозим. Олинган билим ва кўникмаларни талабалар бемалол чет тилида намоиш қилишгандагина, ўқитувчилар ўз олдларига қўйилган вазифани тўлақонли бажарган ҳисобланади.

Ушбу масаланинг ечимини топиш учун бизга чет тилини ўқитиш амалиётида анча пайтдан бери қўлланилиб келинган тилни интеграллашган тарзда ўрганиш услуги мос келади. Тилга бўлган бундай ёндашув замонавий таълим доирасида юқори поғоналарни эгаллаб келмоқда. Олий таълим соҳасини замонавий услубда ривожлантириш тамойилларига кўра инглиз тилини чет тили кафедралари ўқитувчилари томонидан интеграллашган ҳолда ташкил этиш ва шу орқали талабаларнинг коммуникатив, когнитив, информатив, ижтимоий, маданиятлараро ва профессионал фаолликларини

оширишдан иборатдир. Талабаларга чет тилини ўргатиш методикасини кўриб чиқадиган бўлсак, унда охириги курсларда асосий йўналиш ва мутахассислик фанлари профессионал мавзуга қаратилган бўлади. Фаолиятнинг ушбу босқичида профессор-ўқитувчилар касбий йўналтирилган ўқув-услубий қўлланмалар асосида дарсларни олиб борадилар.

Чет тилини ўқитишни хорижий методика асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бунда “фанларнинг бир-бирига боғлиқлиги” атамаси CLIL методикасига чамбарчас боғлиқ саналади. CLIL – бу таълим бериш ва таълим олишга қаратилган икки томонлама ёндашув бўлиб, бирламчи тил чет тили билан биргаликда аниқ бир даража сатҳида қўлланилади.

CLIL методикаси кенг қўламдаги дастурлар учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқув режадаги кўплаб фанларни хорижий тилда ўқитишга мўлжалланган. Бундай дастурлар талабаларга қуйидаги поғоналарни эгаллашга қўмаклашади:

- Ёшга қараб она тилида ўқиш, ёзиш, оғзаки нутқ ва тинглаб тушунишдаги ютуқлари;
- Ёшга қараб хорижий тилда ўқиш, ёзиш, оғзаки нутқ ва тинглаб тушунишдаги ютуқлари;
- Ҳар иккала тилда мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштира олиш;
- Маданиятлараро мулоқотга бўлган қизиқиш ва кўникманинг пайдо бўлиши;
- Доимо ўзгариб турувчи атроф-муҳитда когнитив ва ижтимоий билим ҳамда кўникмаларнинг ривожланиши.

Сифатли ишлаб чиқилган CLIL материаллари талабаларнинг хорижий тилни осон ўрганишларига туртки бўлади.



Бундай ўқув материаллари талабаларга тил, матн билан ишлашга иштиёқини кучайтиради ва уларга ўз билимларини мустақил тарзда баҳолашни ўргатади. Бундан ташқари сифатли CLIL материаллари юқори даражада интеграллашган бўлиб, улар хорижий тилнинг асосий мазмун-моҳиятини очиб кўрсатишга ёрдам беради. Ушбу услубнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у 1990 йилда Европа ҳамжамияти томонидан “Lingua” лойиҳаси асосида амалга татбиқ этилган. Мана шу лойиҳа чет тилини ўқитиш соҳасидаги тадқиқотларга замин яратиб берган. 1995 йилда ушбу ҳамжамият “Таълим бериш ва таълим олиш. Таълим олувчи жамиятга интилиш” номли таълимга оид ҳужжатни имзолаган. Ҳужжат чет тилини ўқитишда интеграллашган ёндашувни қўллаб-қувватлайди ва талабаларга иккита тилни тенг равишда ўқитишни илгари суради. CLIL (Content and language integrated learning) атамаси 1994 йилда Дэвид Марш томонидан таклиф қилинган ва бу услуб таълим соҳасида фанларнинг асосий қисмини чет тилида олиб бориш таклифини киритган. Бу нафқат фанни ўзлаштириш, балки фанни чет тилида ўзлаштиришга замин яратиб беришини исботлашга ҳаракат қилган [Marsh, 2014].

Фанни интеграллашган тарзда ўргатиш асосий 4та “С” компонентлари мавжуд: content (матн), communication (мулоқот), cognition (тафаккур), culture (маданият).

Тилни талабаларга етказиш бўйича бу услубнинг учта ҳар хил усуллари мавжуд:

“Қаттиқ” (Hard CLIL) - бу усул чет тилини ўргатишга қаттиқ ёндашади (ўрганилаётган умумий фанларнинг 50%и чет тилида ўқитилади);

“Юмшоқ” (Soft CLIL) - бу усул она тили фанининг яхши ўзлаштирилиши учун қўлланилади (ҳафтада бир марта мутахассислик фанлари 45 дақиқа давомида чет тилида ўқитилади).

“Оралик” CLIL усули модуль асосида таълим бериш (бир семестр

давомида 15 - 25 соат мутахассислик фанлари чет тилида олиб борилади).

Ушбу услуб ҳозирги кунда жуда кўп тилшунос олимлар томонидан ўрганилмоқда ва ўқитувчилар томонидан дарсларда қўлланилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу услуб ўзининг кучли ва кучсиз томонларига эга.

Кучли томонлари:

- Тил муҳитини ўрганишга имконият яратади;

- Тилни ўрганишга қаратилган амалий йўналиш ривожланади;

- Когнитив кўникмалар ривожланади;

- Ҳам она тилида, ҳам чет тилида оғзаки нутқ кўникмалари ривожлантирилади;

- Маданиятга оид билимларга эга бўлишга имконият яратилади;

- Аниқ матнлар асосида тилга бўлган қизиқиш оширилади;

- Талабалар ўртасида рақобат ривожланади;

- Бағрикенглик ривожланади.

Кучсиз томонлари:

- Бошқа тилдаги ваколатлар паст даражада ривожланади;

- Керакли мутахассисларнинг етишмаслиги;

- Керакли ўқув мажмуаларининг чет тилида мавжуд эмаслиги;

- Методик курсларнинг ва ўқитувчилар учун малака ошириш курсларининг мавжуд эмаслиги;

- Мутахассислик фанлари ва чет тили ўқитувчилари ўртасида боғлиқликнинг паст даражада ривожланиши.

Ҳозирги пайтдаги яна бир муаммолардан бири шу услуб асосида дарс берадиган ўқитувчиларнинг етишмаслигидир. Асосан CEFR дастури асосида B2-C1 даражага эга бўлган ўқитувчиларнинг жалб қилиниши назарда тутилади. Яна шундай бир ҳолатга диққатни жалб қилиш лозимки, мутахассислик фанларидан дарс олиб борадиган ўқитувчилар чет тили ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб



боришса, таълим тизимида катта ўсиш бўлади.

Чет тили кафедраси ўқитувчилари ижтимоий фанлардан дарс олиб борадиган ўқитувчилар билан биргаликда интеграллашган кўникмаларни ривожлантириш учун чет тилида конференциялар ва илмий-амалий йиғилишлар ташкил қилиш фойдадан холи эмас. Бундай тадбирлар талабалар,

магистрантлар ва тадқиқотчиларга ўз илмий ютуқларини чет тилида муҳокама қилишда ёрдам беради, ҳамда, ўз навбатида, ҳар хил манбалардан олинган маълумотларни ишлатиш ва таҳлил қилишга, улардан амалиётда унумли фойдалана олишни ривожлантиради. Бундан ташқари, профессионал ваколатларнинг ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иноземцева К.М., Крупченко А.К. Методология междисциплинарного иноязычного образования специалиста // Языковое образование сегодня – векторы развития: Сборник трудов конференции — Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2014. С. 102 – 116.

2. Graddol, D. English next. – British Council, 2006. - 132 с. URL: <http://englishagenda.britishcouncil.org/sites/ec/files/books-english-next.pdf/> (дата обращения: 05.12.2019).

3. Sirojiddinova Sh.S. Motivation to learn foreign languages through Content based teaching // International Journal of Advanced Research (IJAR) Int.J.Adv.Res.7 (11), 91-94.

4. Marsh, D CLIL: An interview with Professor David Marsh URL: <http://www.unifg.it/sites/default/files/allegatiparagrafo/21-01> 2014/marsh_d_interview_on_clil.pdf/ (дата обращения: 05.12.2019).

Nosirova R. Ways of teaching foreign languages in the system of higher education basing on integrated skills. The present article investigates interdisciplinary and integrated lingual approaches to teaching foreign languages in higher educational institutions. The author pays special attention to various models of implementation of the method CLIL and to its main components, indexing at its strong and weak points. The article presents examples of practical realization of interdisciplinary approach and method of CLIL.

Насырова Р. Пути обучения иностранным языкам в системе высшего образования на основе интегрированных навыков. В статье рассматривается междисциплинарный и интегрированный предметно-языковой подходы (CLIL) к обучению иностранному языку студентов высших учебных заведений. Особое внимание автор статьи уделяет различным моделям внедрения CLIL и его основным компонентам, отмечая также сильные и слабые стороны данного метода. В статье приводятся примеры практической реализации междисциплинарного подхода и метода CLIL.